



## BUILDERS OF THE FUTURE

journal homepage:  
<https://kelajakbunyodkori.uz/>



### PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM IN UZBEKISTAN

**R.S. Amriddinova**

Associate Professor, PhD.

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

**T.Sh. Evadullaev**

Master's student

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

#### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Uzbekistan, pilgrimage, tourism.

**Abstract:** The article provides information and discusses the development of tourism. There are proposals for the development of pilgrimage tourism in Uzbekistan.

**Received:** 19.06.22

**Accepted:** 21.06.22

**Published:** 23.06.22

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**P.C. Амридинова**

Доцент, и.ф.н.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Самарқанд, Ўзбекистон

**T.Sh. Эвадуллаев**

Магистратура талабаси

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Самарқанд, Ўзбекистон

#### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, зиёрат, туризм.

**Аннотация:** Мақолада туризмни ривожлантириш масаласи ҳақида маълумотлар берилган ва муҳокама қилинган. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича таклифлар киритилган.

## ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

**P.C. Амриоддинова**

Доцент, PhD.

Самаркандинский институт экономики и сервиса

Самарканд, Узбекистан

**Т.Ш. Эвадуллаев**

студент магистратуры

Самаркандинский институт экономики и сервиса

Самарканд, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Узбекистан, паломничество, туризм.

**Аннотация:** В статье представлена информация и рассмотрено развитие туризма. Есть предложения по развитию паломнического туризма в Узбекистане.

### КИРИШ

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида зиёрат туризмини жадал ривожлантириш зарурлигинин таъкидлаб, юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилганлигини билдирган эди.

Биз яшаётган Самарқанд вилояти туристик имкониятларга жуда бой бўлиб, бу ерда хусусан зиёрат туризмини ривожлантириш ва шу орқали давлат хазинасига самарали ҳисса кўшиш мумкин. Чунки вилоятда ҳозирги кунда 1851 та моддий-маданий мерос объектлари мавжуд, уларнинг орасида зиёрат қилиниши мумкин бўлган жойлар сони маълум қисмини ташкил этади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “Зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган йўналишлардаги маданий мерос ва архитектура объектлари сонини 800 тага етказиш ҳамда бу орқали уларнинг ҳолатини яхшилаш” вазифаси қўйилган.

Ушбу стратегик вазифани муваффақият билан бажаришда зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда мавжуд бўлган муқаддас қадамжолар, хорижий ва маҳаллий зиёратчиларни қизиқтираётган зиёратгоҳларни ободлиги ёки зиёрат қилишга яроқлилигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳар доимидан ҳам муҳим ҳисобланади.

2021 йил 9 февраль куни муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 6165 сонли Фармони қабул қилинди.

Унга кўра Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг амалдаги ўринбосарлари сони доирасида **“зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича раис ўринбосари” лавозими**, зиёрат туризми йўналишида тўғри тарғиботни йўлга кўйиш ва зиёрат обьектлари ҳақида илмий асосланган маълумотларни тақдим этиш мақсадида, **“Зиёрат туризмини ривожлантиришни мувофикалаштириш кенгаши”**, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб **“Ипак йўли” туризм халқаро университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Бухоро ва Термиз давлат университетларида “зиёрат туризми” магистратура мутахассисликларида кадрлар тайёрлаш тизими**, буюк аллома ва уламоларимиз, айниқса, Имом Бухорийнинг бебаҳо меросини кенг кўламда оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида, индонез, бенгал, малай, турк, араб, ҳинд, урду, пушту ва бошқа хорижий тилларда **“Имом Бухорий” зиёрат туризми йўлдош телеканалини**, хорижий мамлакатларда унинг мухбирлари фаолият олиб боришини назарда тутган ҳолда ташкил этиш ва уни ривожлантириш, **Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуасини зиёрат марказига айлантириш ҳамда атрофидаги 8 нафар буюк уламоларнинг қабрларини тиклаш ва ободонлаштириш ишлари концепциясини**, уни амалга ошириш бўйича **“Йўл харитаси”**ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш, **Самарқанд шаҳрида ислом дини, минтақадаги мавжуд дин намояндадарни мероси ва моддий маданий мерос обьектларини акс эттирувчи тематик хиёбонни яратиш, Бухоро шаҳрида ислом дини тарихи ва мусулмон оламида машҳур бўлган шахслар тўғрисида маълумот берувчи инновацион музейни куриш ва уни ривожлантириш концепцияси бўйича таклифларни** Вазирлар Маҳкамасига киритиш каби салмоқли топшириқлар берилди.

Зиёрат туризмини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва уни ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида туризм обьекти сифатидаги “зиёрат” атамасининг моҳияти ва табиатини англаб олиш лозим. Адабиётларда бу атамага турлича таъриф бериб, унинг хусусиятлари ҳали-ҳанузгача ёритилмаган. Биз мазкур атамага зиёрат туризмини ўлкамиизда комил инсонни шакллантиришга қўшадиган ҳиссаси ва диверсификациялаш имкониятларини қўллаш нуқтаи назаридан қараб, таъриф ва тавсиф берамиз.

“Зиёрат” арабча (زيارة) сўзидан олинган бўлиб “томуша қилиш”, “кўришга бориш (келиш)” маъноларни билдиради. Мусулмонларда “зиёрат”- бу пайғамбарлар, диний муқаддас жойларни зиёрат қилишdir.

Зиёрат - Исломнинг туристик асосидир. Уни илоҳий қадриятларга асосланадиган диний зиёрат ва умумбашарий қадриятларга асосланадиган дунёвий зиёратга бўлиши

мумкин.

Диний зиёрат ўз навбатида ислом, буддавийлик ва христианлик диний эътиқодларига бўлинади. Агар диний зиёрат диний муқаддас нарса ва жойларга ибодат қилишни билдирса, дунёвий зиёрат табиий ва хаётий нарсалар ҳамда муқаддас жойларга сажда қилиш ва уларни қадрлашда ўз ифодасини топади.

Дунёвий зиёрат комил инсон тарбияси билан чамбарчас боғлиқ бўлган сайру саёҳат туридир. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” шиори остида ёшлар ўртасида ташкил этиладигансаёҳатлар; “Хотира ва қадрлаш” байрамида “Мотамсаро она” ҳайкалига ташриф буюриб гулчамбар қўйиш ва таъзим қилиш, Тошкентдаги катағон қурбонларига бағишиланган “Шаҳидлар хотираси мажмуаси”ни зиёрат қилиш, Самарқандга ташриф буюриб, Амир Темир бобомизни қабрларини зиёрат қилиш бизнинг фикримизча, Ўзбекистондаги дунёвий зиёрат масканларнинг ёрқин намуналарига киради.

Зиёрат туризми деганда турли дин намояндаларининг ўз динидаги муқаддас жойларига зиёрат мақсадларини амалга ошириш учун сафар қилишини тушуниш мумкин. Муқаддас жойлар қанча зиёратбоп, тоза, шинам ва қулай шароитларга эга бўлса, зиёратчилар оқимини шунча кўпайиши ва бу билан катта ютуқларга эришиши мумкин.

Туристик фаолиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва фикрий жиҳатдан жуда кўплаб фойдалари бор. Мисол учун саёҳат қилиш инсонларнинг фикр ва хис-туйғуларини кучлироқ ишлатишига, солиштиришига, турли-туманликлар хақида фикр юритишига сабаб бўлади. Ҳаётнинг маъно-мазмун динамикаларини кўпроқ савол-жавоб қилишига олиб боради. Мана шундай маъно доирасидан келиб чиқиб ўрта асрларнинг йирик сайдиҳларидан Lubenau Reinhold инсон саёҳатлар билан диндорроқ бўлишини, Тангрининг луфтларини ва неъматларини яхшироқ пайқашини 17-асрнинг бошларида айтиб ўтган.

Демак туризм бошқа соҳалар каби дин билан ҳам кенг алоқадаги соҳа ҳисобланади. Ислом динининг асосий манбалари Қуръони карим ва ҳадисларда саёҳат билан боғлиқ тушунчаларнинг бўлиши исломнинг туризм билан яқин алоқасини кўрсатади. Қуръонда келган “رَحْلَةٌ”，“سَفَرٌ”，“إِذَا ضَرَبْتُمْ”，“أَبْنُ سَبِيلٍ”，“سِيرُوا” тушунчалари туризм воқеаси билан боғласа бўладиган тушунчалардир. Туризм воқеаси тўғридан-тўғри саёҳат билан боғлиқ машғулотдир. Бироқ дин тавсия қилган саёҳатлар дам олиш, кўнгил очиш мақсадида эмас, балки бирор мақсадга қаратилган ҳолда амалга оширилувчи маъноли саёҳатлардир. Ваҳоланки, туристик саёҳатлар ҳар вақт шу маънода амалга ошмайди.

Қуръони карим инсонларнинг коинотга, тарихга ва тарих қолдирган меросга ибрат кўзи билан қарашини доимий равишда уқтиради. Шуни фақат уқтириш билан ҳам қолдирмайди, айни пайтда инсонларни аждодлари инсоният тажриба қилган ҳаётдан ортда нима қолдирганликларига ибрат билан қарашлари учун саёҳат қилишга чақиради.

Ислом тарихида мусулмонлар умумий равишда -хусусан ҳаж, умра-, илм олиш, тил ўрганиш, савдо-сотик сабабли ва шу мақсадаларда саёҳат қилишган. Исломнинг кезиб кўриш, маълумотга эга бўлиш, ибрат олиш ва илоҳий қудратни таниш мақсадида амалга оширишини хоҳлаган саёҳатлардан бошқа тўғридан-тўғри ибодат қамровига олган саёҳатлари ҳам бор. Ҳаж ва умра бунинг энг жонли мисоллари дидир. Тана саломатлиги ўрнида бўлган ва иқтисодий қучи бўлган мўъминларнинг умрлари давомида энг камида бир марта ҳажга боришлиари Қуръони каримда фарз қилинган, умра қилишлари давомли тавсия қилинган. Ҳаж ва умра Ислом оламида гувоҳи бўлинадиган энг жонли ва энг улкан эътиқод туризми ташкилий ишидир. Ислом тарихи бўйича мусулмонлар орасида долзарблигини доимий сақлаб қолган ҳаж ва умра ибодат бўлиши билан бир қаторда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари бўлган эътиқод туризмидир.

Ўзбекистон дунё миқёсида муқаддас қадамжоларга бой мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ислом дини ривожида беқиёс ўрин тутган буюк инсонлар абадий кўним топган манзилларни ўрганиш, уларни ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ушбу манзиллар ўз навбатида одамлар зиёрат қиласидаги масканларга айлантирилди. Бундай жойлар нафақат Ўзбекистон аҳолиси учун, балки, бутун ислом олами учун ҳам муқаддас ҳисобланади. Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида 1851 та моддий-маданий мерос обьектлари мавжуд бўлса Бухоро вилоятида эса уларнинг сони 829 тани ташкил этади. Мазкур обьектлар орасида зиёрат қилиниши мумкин бўлган муқаддас жойлар кўпчиликни ташкил этади. Хусусан, биргина Бухоро вилоятида жойлашган обьектлар орасида 105 та масjid ва 14 та мақbara мавжуд бўлиб, мазкур обьектларда зиёрат туризмини ривожлантириш имкониятлари юкори ҳисобланади. Мазкур омиллар сўнгти тўрт йил давомида Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш, уни жаҳон миқёсига олиб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Аммо, шунга қарамасдан бу борада ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд бўлиб, уларни таҳлил қилиш бу борада айрим таклиф ва тавсиялар бериш имконини бериши мумкин. Шу сабабдан, мазкур соҳада амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижаларини илмий таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

2017 йилдан эътиборан Ўзбекистонда туризмнинг алоҳида соҳаси бўлган зиёрат туризмини ривожлантириш ва уни жаҳонга таништириш бўйича тизимли ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, 2017 йил 16 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарор билан Ўзбекистонга саёҳат қилишни енгиллаштириш, туризм инфратузилмаларини ривожлантириш ва янги туризм обьектларини ташкил этишга қаратилган 2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Бундан ташқари, ушбу қарор асосида бир ой муддат ичидаги фуқароларига 2018 йилнинг 1 январидан виза тартибини соддалаштириш таклиф этилаётган мамлакатлар ҳамда фуқароларига маҳсус зиёрат туризми дастурлари таклиф этиладиган давлатлар рўйхатини шакллантириш, шунингдек, Малайзия, Индонезия ва бошқа мамлакатлардан Ўзбекистондаги муқаддас қадамжоларга зиёрат туризм йўналишидаги сайёҳларни жалб қилиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бу борада керакли реклама тадбирларини ўтказиш, логистика, жумладан, чартер рейсларини ташкил этиш ва бошқа вазифалар белгиланди.

Бундан ташқари, юртимизга ташриф буюраётган зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида “Туристик хизматларни сертификатлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан янги давлат стандарти ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат асосида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб туристик хизматлар, жойлаштириш воситалари, умумий талаблар бўйича стандарт кучга кирди. Ўрнатилган янги қоидаларга кўра, ҳар бир меҳмонхонанинг умумий хоналар сонининг камидаги ўндан бирида Қуръони карим, ибодат қилиш учун жойнамоз ҳамда камидаги 30 фоизида қиблаба кўрсаткичи қўйилиши шарт қилиб белгиланди.

Бу даврда, Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар учун виза режимини енгиллаштириш бўйича ҳам ишлар амалга оширилди. Шу мақсаддада, 2018 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Туркия, Жанубий Корея, Япония ва Истроил давлатлари фуқаролари учун визасиз режим жорий қилинди. Шунингдек 39 мамлакат фуқароларига соддалаштирилган виза тартиби жорий қилинди. Визасиз кирувчи хорижликлар сафига 2019 йил март ойидан тожикистонликлар, октябрдан францияликлар ҳам қўшилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳалол туризмни ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йилда “Ҳалол туризм” бўйича “Crescent Rating” ташкилоти томонидан 2017 йилда тузилган рейтингда (2017 йилда тузилган рейтингда Ўзбекистон 28. Шундан, “хавфсиз саёҳат” – 100 дан 84 балл, “ибодатхонага кириш эркинлиги” – 80, “овқатланиш имкониятлари ва кафолатлари” – 70, “виза” – 50, “аэропорт имкониятлари” – 48,3, “оилавий таътил” – 44,4, “яшаш шароитлари” – 33,2, “мусулмонлар учун имкониятлар” – 25, “сайёҳларнинг келиши” – 21,2, “коммуникация имкониятлари” – 19) қуи даражада баҳоланган, кам ривожланган йўналишларни яхшилашга эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита таркибида зиёрат туризмини ривожлантириш бўлимининг фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистонда

зиёрат туризмини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича таҳлилий хужжатлар тайёрлаш, мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-хуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш юзасидан тегишли таклифлар тақдим этиш мазкур бўлимнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди. Бундан ташқари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Тошкент шаҳрида зиёрат туризмини ривожлантириш, рўйхатга олинган 15 та диний муассасага ташриф хариталари ишлаб чиқилди. Индонезия ва Малайзия сайёҳлик агентликлари ва меҳмонларига мўлжалланган ҳалол овқатланиш жойлари, миллий ошхоналар, ресторанлар, оиласий ташриф жойлари харитаси тайёрланди. Шунингдек, юртимизда илк бор зиёрат туризми соҳаси учун зарур бўлган “Ҳалол” стандарти жорий этилди.

Ўзбекистонда зиёрат туризмининг муҳим объектларидан бири ҳисобланган Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуида ҳам Президентимизнинг 2017 йил 27 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси давом эттирилди. Жумладан, мажмууга туташ ҳудуддан 5,8 гектар ер майдони очилиб, илмий марказ ҳамда марказ қаршисида 3 та икки қаватли турар-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Амалга оширилган шу ва бошқа тадбирлар натижасида бу борада салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, 2017 йилнинг 10 ойи давомида мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳлар сони 2,2 млн кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг шу даври мобайнида 4,4 млн сайёҳ ташриф буюрди. Йил мобайнида эса 5 млн. 346 минг 219 нафарни ташкил қилди.

Мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш борасидаги тадбирлар 2019 йилда ҳам давом эттирилди. Жумладан, мазкур йилнинг 5 январидан эътиборан Ўзбекистоннинг маданий-тариҳий ва диний маънавий мероси ҳамда анъаналарини ўрганиш учун ташриф буюрувчи хорижий фуқароларга 2 ойгача бўлган муддатга зиёрат визаси жорий этилди. Шу билан бирга, Зиёрат туризмини ривожлантириш ва уни дунё жамоатчилигига таништиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий конференциялар ўтказиш ишлари ҳам олиб борилди. Жумладан, 2019 йилнинг 21-23 феврал кунлари Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатнинг ҳалқаро майдондаги зиёрат туризми бўйича мавқенини ошириш мақсадида Зиёрат туризми бўйича I Ҳалқаро форум ўтказилди. Мазкур форум доирасида Ўзбекистоннинг зиёрат туризм марказларидан бири сифатида тан олинишига доир Бухоро декларациясининг имзоланишига бағищланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Бундан ташқари, мазкур

йилнинг 24-25 май кунлари Самарқанд шаҳрида Хитой, Россия, Франция, Италия, Жанубий Корея, Туркия, Босния ва Герцеговина, Польша, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон мамлакатларининг етакчи олимлари, туризм соҳаси мутахассислари иштирокида «Буюк Ипак йўли чорраҳасида зиёрат туризмининг ренессанси» мавзусидаги ҳалқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Шу ва бошқа омиллар ўз навбатида, мусулмон сайёҳлар сонининг сезиларли даражада кенгайишига олиб келди. Жумладан, 2019 йилнинг ноябр ойи қўрсаткичларининг 2018 йилдаги қўрсаткичлари билан солиштирганда буни яқъол кўришимиз мумкин. Хусусан, 2018 йил ноябр ойида биргина Покистон давлатидан 287 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2019 йилнинг шу даврида сайёҳлар сони 424 нафарни ташкил қилиб, ўсиш суръати 47,7 фоизни ташкил этди. Саудия Арабистони бўйича эса, бундан ҳам каттароқ сонни кўришимиз мумкин. Жумладан, 2018 йилнинг ноябр ойида 36 нафар, 2019 йилнинг шу даврига келиб 124 нафарни ташкил қилди..

Бу борадаги ишлар сўнгги пайтларда ҳам давом эттирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралда “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинди. Унда туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул ва қулай ички ва ҳалқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлашга йўналтирилган вазифалар белгилаб берилди.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда 2016 йилдан эътиборан туризм соҳаси мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири деб эълон қилинди. Шу сабабдан туризм ва унинг муҳим йўналишларидан бири бўлган зиёрат туризмини ривожлантириш ва уни жаҳон миқёсига олиб чиқиш ишлари олиб борилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорлари эълон қилинди. Шу асосда тегишли тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, зиёрат туризмини ривожлантириш, хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида турли тадбирлар, илмий семинар ва конференциялар ташкил қилинди. Хорижий мамлакатлар фирма компаниялари билан бу борада ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонга, хусусан, мамлакатимиздаги муқаддас жойларни зиёрат қилиш учун келаётган зиёратчилар сонининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

Шу ўринда Туркия ва Малайзиядан зиёратчилар учун Самарқандда “Мотуридий”, Бухорода “Тасаввуф” туризмларини ташкил этиш соҳани ривожига ва бўш ўринларни иш билан таъминлаш ҳамда катта миқдордаги пул маблағлари оқимини кириб келишига сабаб бўлиши мумкин.

Охирги йилларда аэропорт ва темир йўл вокзаллари ҳамда Ўзбекистон бўйлаб барча АЁҚШларда намозхона ташкил этилгани, соҳани ривожлантириш, юртимизга ташриф буюраётган зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида олиб борилган илк ўзгаришлар десак хато бўлмайди.

Бугунги кунда зиёратни асосан юртимиз фуқаролари ташкил этаётганини инобатга олсак, маҳаллаларда, масжидларда зиёрат одоби борасида маъruzalар ташкил этиш, Ўзбекистонда зиёратгоҳларни тарғиб этувчи ўзбек, араб, инглиз тилларида бадиий ва хужжатли фильмлар, видеороликлар ишлаш, зиёратгоҳларнинг сайtlарини ўзбек, рус ва инглиз тилларида ташкил этиш, бевосита зиёрат туризмига ихтисослашган туроператорларни тайёрлаш, тарихий шаҳарларда Ташқи ишлар вазирлиги бўлимларини очиб, сайёҳларга виза олишни Тошкент орқали эмас, жойда ҳал этиш, авиаичиталар нархини камайтириш, аэропорт ва вокзалларда хизмат кўрсатишни яхшилаш, халқаро тўлов тизимидағи кредит карталардан фойдаланиш ва валюта алмаштиришни йўлга қўйиш зарур. Ўзбекистонда жуда ҳам кўп зиёратгоҳлар мавжуд. Уларнинг ўзигина бу ерда зиёрат туризмини ривожлантиришни кенг йўлга қўйиш имконини беради.

Аммо Ўзбекистон зиёратгоҳларида сервис хизмати етарли даражада йўлга қўйилмаган. Оддий ҳожатхоналар йўқ, таҳоратхоналар талаб даражасида эмас. Чекка зиёратгоҳларга олиб бориладиган йўллар ҳар қандай сайёҳни иккилантириб қўйиш даражасида. Йўлларни текислаш, мунтазам автотранспорт қатновини йўлга қўйиш, йўл четидаги овқатланиш, санитария шаҳобчаларини қуриш жуда муҳим.

Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш учун аввало юқорида тилга олинган муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш, бугунги кунда бутун дунёда қўлланилатган масофавий маркетинг концепциясидан фойдаланиш зарур. Сайёҳларни биринчи галда ҳудуддаги меҳмонхоналарнинг борлиги, жойларни онлайн тарзда брон қилиш, уларнинг зиёратгоҳдан узоқ ёхуд яқинлиги, мавжуд сервис хизматлар, коммуникация ва транспортнинг мавжудлиги қизиқтиради. Буларнинг барчасини замонавий ахборот коммуникацион технологиларни қўллаган ҳолда йўлга қўйиш мумкин.

Зиёрат туризми юртимизга маданий, экологик туризм билан бир қаторда жуда ҳам кўп маблағ олиб келишини назарда тутадиган бўлсак, бу борадаги аста-секинлик билан амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш лозим.

## ХУЛОСА

Ҳозирги жамиятда инновацияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш зарурати нафақат гарбий мамлакатлар вакиллари томонидан яхшироқ қабул қилинмоқда, балки Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётнинг барча тармоқларига кенг жалб қилинмоқда. Аммо ушбу йўналишдаги тадқиқотчилар паст инновацион фаолликни таъкидламоқда. Бу персонални бошқариш, туризм бизнесида стратегик шериклик, сайёхлик бозорининг давлат томонидан бошқариш, сайёхлиқда маркетинг ва шу кабилар. Жаҳон иқтисодиётида туризм энг сердаромад соҳалардан бирига айланди. Туризм йўналишлари асосан зиёрат туризми, тарихий-рекреацион, тарихий-маданий мерос обьектлари, соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир. Туризмнинг бошқа йўналишларини ҳам ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Туризм соҳасидаги фирма ва компаниялар фаолиятида Ўзбекистонга хориждан туристларни кириб келишини кенгрок йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг асосий сабаблари, Ўзбекистоннинг хорижий давлатларда мавқенини янада ошиб боришига, қўшимча иш ўринларини яратилишига, хорижий валюталарни кириб келишига, ялпи ички маҳсулотда, давлат бюджетининг даромадлар қисмида туризмнинг улушини ошиб боришига ва бир қатор қулайликларни яратилишига олиб келади. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, республикамида фаолият олиб бораётган туризм хизматлари кўрсатишга ихтисослашган компания ва фирмаларни стратегик бошқаришнинг умумий тизимида инновацион ва молиявий-инвестицион мажмуалар, маркетинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Бунда маркетингнинг вазифаси керакли маҳсулот (ёки хизмат)ни харидорларга, бозорга таклиф этишдан иборат.

Бугунги кунда туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган фирмаларнинг кўпчилиги Ўзбекистондан туристларни хорижий давлатларга юбориш, яъни чиқиш туризми билан шуғулланмоқда. Бизнинг юртимизда туризмнинг зиёрат туризмини ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Зиёрат туризмини ривожлантириш, диққатга сазовор ва муқаддас қадамжолардан оқилона фойдаланиш, сифатли хизмат кўрсатувчи малакали кадрларни тайёрлаш ва албатта инвесторларни ҳамда истеъмолчиларни жалб қилишда инновацион технологияларнинг ўрни бекиёс деб ўйлаймиз. Зиёрат туризмидаги инновацион технологияларни қўллашнинг энг муҳим соҳаси мамлакат ёки ҳудуднинг сайёхлик соҳасидаги имкониятларини ошириш, унинг доирасида кириш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш ҳисобланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/ru/lists/view/3324> [24.01.2020].

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармони. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон.

3. <https://lex.uz/docs/3311817> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”.

4. <https://lex.uz/docs/3548467> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”.

5. Қуръони карим.

6. Муҳаммад Идрис аш-Шофеъий, *Дийванул-имамии-Шафиъий* (Имил Бади Яъқуб таҳқиқи), Дарул-китабил-арабий, 3-нашр, Байрут-Ливан, 1996, 53-бет; Mustafa Çag'rici, “Islamda Seyahat ve Konukluk”, *İnanç Turizm Günleri -III-*, Şubat нашриёти, Истанбул, 2007, 48-бет.

7. Б.Н.Навруз-Зода. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги. Дурдана нашриёти. Бухоро-2017. Б.83

8. К.Ҳашимов, Шераҳон Жураҳанович (2020) “PILGRIMAGE TOURISM IN UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS,” /Electronic Research journal of Social Sciences and Humanities: V.2:B.2: Исс.1,П.8

9. Arzu Baykara Taşkaya, “Reinhold Lubenau Seyahatnamesi, Osmanlı Ülkesinde 1587-1589, *Tarih İncelemeleri Dergisi*, XXVIII / 2, 2013, Б.618-620.

10. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/08/17/turizm/>

11. <http://muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/4159-zijorat-turizmi-sosasida-musulmonlarga-yana-bir-ulajlik-yaratildi>.

12. <http://uza.uz/oz/tourism/zbekistonda-ziyerat-turizmi-2018-yilga-nazar-27-12-2018>.

13. <https://religions.uz/pages/7>.

14. <http://uza.uz/oz/tourism/zbekistonda-ziyerat-turizmi-2018-yilga-nazar-27-12-2018>

15. <https://uzbektourism.uz/cyrl/research>

16. <https://islaminstytut.uz/?p=6867>

17. <http://zarnews.uz/post/ozbekistonda-ziyorat-turizmi-uchun-katta-imkoniyat-bor>

18. <https://uzbektourism.uz/cyrl/research>